

QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 42
(440)
2020-yil
15-oktabr
payshanba

www.od-pres

timoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqqa boshlagan.



ТАРИХНИ ШАМОЛГА МУХРЛАБ БУЛМАЙД

Таниқли шоир ва адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эшқобил ШУКУР билан суҳбат

«Бугун одамзод ҳамма нарсага эришяпти, ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар қиляпти. Лекин ўз қалбидан узоқлашиб боряпти. Бу гўё энг муҳим нарсадан айрилиб, сон-саноксиз лаш-лушларга эга чиқишдай гап...»



ЗАРАРЛИ ЯХШИЛИК ёхуд миннатли ошдан чиқаётган тош

2-бет



«САРДОБА»НИНГ КЕЛАЖАГИ

Сув омбори яна ишга тушадими?

2-бет

Миш-миш. Миятсизлик. Мувоттият. Вақтчи оила. Лотиржамлик. Муваттият. Самарқанд. Самарқанд. Самарқанд.

«Оила даврасида» газетасига 2021 ОБУНА бошланди

«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!



Батафсил маълумот:

+99897 731-87-01

Обуна индекси – 193

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИНИНГ ДАРДИ Уни ким эшитади?

3-бет

ЙЎҚ КЕЛИНЧАККА ЧИМИЛДИҚ

ёки «эзгу ишлар»дан чўчиб

3-бет

ЎЙИН ИЧИДАГИ «ЎЙИН»ЛАР

давом этаверади қоидалар нобоп бўлса..

8-бет

«САРДОБА» СУВ ОМБОРИ КЕЛАЖАГИ НИМА БЎЛАДИ?



Халқаро пресс-клубнинг Мирзаобод туманида ташкил этилган сессиясида ушбу савол ҳам ўртага ташланди. Шу каби қатор долзарб саволларга Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Мирзаев, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Хусанов, қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ҳидоят, тегишли бошқарма ва ташкилотлар масъуллари жавоб берди.

Таъкидланганидек, сув тошқини пайти бир соат мобайнида 35 минг, икки соатда эса 90 минг нафарга яқин аҳоли хавфсиз худудларга эвакуация қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан сувни тезлик билан қочириб, шинам уйлар қуриш, кўшимча иш жойлари яратиш вазифаси топширилган эди. Шунга мувофиқ, 1,5 минг нафарга яқин хотин-қизлар ишлайдиган текстил корхоналари қурилди.

– Бугун «Сардоба» сув омбори билан боғлиқ синовли кунлар ортда қолди, – деди вилоят ҳокими Ғ.Мирзаев. – Барча вилоят, туман раҳбарлари, вазирликлар ва халқимизга раҳмат айтаман, жуда катта кўмак беришди. Кун кеча Президентимиз бирор одам норози бўлмаслиги кераклигини яна бир бор тайинлади. Ишчи гуруҳ томонидан талафот кўрган одамларнинг уй-жойлари ўрганилди.

Қишгача 2 минг 700 га яқин уйлар қурамиз. Бундан ташқари, 38 та икки қаватли уй ҳам зарарланган эди. Уларни ҳам алоҳида таъмирляпмиз. Умуман олганда, Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, республикамиз шаҳарлари қаторига эндиликда шу уч туманни ҳам қўшиб қўйсақ бўлади.

Сессияда қайд этилишича, Сирдарё вилояти аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида 328 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Сирдарё вилоятининг Сардоба ва бошқа туманларда шу вақтгача саноатга эътибор бунчалик даражада юқори бўлмаган ва шу боис мазкур соҳа ривожланмаган.

Сув омбори бўлмаса Сирдарё ва Жиззах вилоятида сув ҳам бўлмайди. Хўш, сув омбори келажаги нима бўлади?

– Қишлоқ хўжалиги ривожиди «Сардоба» сув

омборининг ўрни бекиёс, – деди Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзод Қудратхўжаев. – Аммо Президентимиз айтганидек, барчасини аввал етти ўлчаб, кейин бир марта кесишимиз керак. Айни вақтда хорижлик экспертлар «Сардоба» сув омбори ҳолатини ўрганмоқда. Таъмирлаш, тиклаш ва фойдаланиш ишлари халқаро мутахассислар билан биргаликда ҳал қилинади. Сув омборининг келажаги яқин вақтларда маълум бўлади. Бу бўйича тўғри ечим топилишига ишонамиз.

Тошқин тўғайли уйсиз қолган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам маълумот берилди. Жумладан, бу борада вилоят ҳокими Ғ.Мирзаев шундай деди:



– Бу масала бўйича аниқ стратегияга эгамиз. Бу уйлардан ташқари, эски колхоз идоралари, машина-трактор парклари бўлган уйларни 60 га яқин хонадонни таъминлайдиган бир хонали уй қилиб таъмирладик. Бу захира, албатта. Ҳар бир туман ҳокимлигида уйларни эгаларига бериш бўйича комиссиялар ишлаяпти. Уйга муҳтож аҳоли ана шу комиссияларга мурожаат қилса, ўрганиб чиқамиз ва албатта, уй билан таъминлаймиз.

ХОЛИС ЯХШИЛИК ЭҲТИЁЖИ



Кейинги пайтларда одамлар орасида меҳр-оқибат, бировга чин кўнгилдан яхшилик қилиш каби ўзбекона қадриятлар сал бўлса-да йўқолиб бораётгандай туюлади назаримда. Буни одамлар орасидаги бир-бирига бўлган муносабатлардан ҳам билсак бўлади.

Одамзоднинг табиати қизиқ экан-да. Қилган ишини бировга айтмаса, сира кўнгли жойига тушмайди. «Мен фалончига яхшилик қилдим», «у менинг оркамдан фалонча бўлди», «кабилидаги миннатомиз гапларни ҳам бот-бот эшитиб қоламиз. Ахир ота-боболаримиз «Яхшилик қил, сувга от, билса балиқ, билмаса Холик», деган ҳикматли гапларида ҳам ажиб бир маъно мужассам эмасми?!

Яхшилик ҳеч қачон беиз кетмайди. Сен бировга яхшилик қилсанг, бир кун келиб албатта сенга нундан бўлмаса бошқасидан қайтади.

Дунёни яхшилик ушлаб туради, дейишади. Жамиятимизда саҳий, хотамтой инсонлар борлиги, уларнинг етим-есир меҳр ва мурувватга муҳтож инсонларга ёрдам бериб, дуосини олаётганини эшитиб қувонасан.

Айниқса, бу пандемия даврида ҳам, «Сардоба воқеалари»да ҳам яққол кўзга ташланди.

Қилган яхшилигини миннат қилиш савобининг йўқолиб кетишга сабаб бўлади, дер эди отам раҳматли.

Бир маҳалладошимизнинг отаси автохалокат сабаб оламдан ўтди. Беш нафар фарзанд муштипар она кўлида чирқираб қолиб кетаверди. У ёрдам қилди, бу ёрдам қилди, болалар бирин-кетин вояга етишди. Касб-корли уйли-жойли, оилали бўлишди. Бир куни оиланинг катта ўғли бир даврада:

– Ҳеч кимга етимлик юкини солмасин экан. Ҳеч кимнинг ота-онаси ўлмасин экан. Мана, ҳозиргача бизга ёрдам берганларнинг миннатини кўтариб келаман. Аввалига сўрамасак ҳам кўярда-қўймай ёрдам қилиб, кейин биз ҳақимизда «мен

боқдим, мен бўлмасам ўлиб кетишарди...» деб гапириб юрганларни кўп эшитганман. Буни эшитиш биз учун қанчалик оғирлигини ҳатто тасаввур қилолмайсиз. Бундай гапларни эшитганимиздан ўша пайти очликда қолиб кетганимиз энгилроқ бўлармиди балки... Тўғри, кишда ўтиндан, буғдойдан, пулдан кўмак қилиб туришган. Аммо ким нима ёрдам қилган бўлса, мен ҳаммасини қайтарганман.

– Қўй, ўғлим, кўнглингни олма. Сен айтаётган одам анча кексайиб қолган. Кекса одам сал майда гапроқ бўлади ўзи, – деб кўнглилик берганди отам ўшанда.

Яқинда икки маҳалладошимизнинг ўртасида бўлиб ўтган жанжалнинг гувоҳи бўлиб, беихтиёр юқоридаги воқеа эсимга тушди. Миннатнинг оши ёмон экан...



2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жами 28 турдаги ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эса уларнинг берилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган эди. Шунга қарамасдан маҳалла идораларида турли «справка»ларни талаб этилиши қанчалар ўринли?

Фуқародан маълумотнома сўраш —

ҚОНУНГА ЗИД

Ушбу савол билан ЎЗА мухбири Адлия вазирлиги ходимларига мурожаат қилди.

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Фурқат Тожиёвнинг сўзларига кўра, маҳалла идораларида ёрдам пули учун 14 хил маълумотнома сўралиши қонунга зид ишдир.

«Маҳалла идоралари ёки ўзини ўзи бошқариш органидан ортиқча маълумотномалар талаб қилиниши ҳоллари кузатишмоқда. Бизда аслида ким ёрдам пулига муҳтож экани аниқ, кўпчилик ўзининг муҳтож кўшнисини яхши билади. Одатда, ёрдам пулини ажратиш бўйича махсус комиссия тузилади. Махсус комиссиянинг вазифаси ажратилаётган ёрдам пулини муносиб фуқарога беришни таъминлашдан иборат. Комиссия ўзи ҳужжатларни ўрганиши ва тўплаши лозим.

Даромади борми ёки йўқми комиссиянинг ўзи аниқлаши лозим. Аммо, ҳамма маҳаллада ҳам шундай эмас. Яқинда ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига ёрдам пуллари ажратиш вазифаси юклатилган.

Ўйлайманки, янги вазирлик бундай камчиликларга йўл қўймайди. Қатор маълумотномалар тўплашни фуқаро зиммасига юкламайди. Бу фақатгина айрим маҳалла идораларининг шахсий ташаббуси бўлиши мумкин. Агар, шундай алоҳида ҳолат бўладиган бўлса, фуқаролар Адлия вазирлигининг ишонч телефонларига мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун тегишли жавобгарликлар бор. Комиссия ўзининг вазифасини инсофсизларча фуқароларга юклаши тўғри эмас. Бу ҳолда юқорида айтганимиздек тегишли идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳам мурожаат қилиш мумкин», дея жавоб берди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Фурқат Тожиёв.

Шунингдек, ногиронлиги бор фуқаролардан ногиронлик нафақасини олиш учун ўндан ортиқ маълумотномалар тўплашни талаб қилиш ҳам Адлия вазирлиги масъул ходими Анвар Аҳмедовнинг фикрича, қонунга зид ишдир. Фуқаронинг ногиронлигини тасдиқловчи ва бошқа тегишли маълумотномалар махсус комиссия аъзолари томонидан тўпланиши шарт. Бу борада ҳуқуқбузарликка дуч келган фуқародан Адлия вазирлиги ишонч телефонларига мурожаат қилиш сўралади.

ерда турган ёши улуг кишилардан бири:

– Иним, шу гапни ёмон айтдинг, яхши бўлмади. Мозорни сен қурмасанг бошқа бир уста қуради, нима, унинг ўлиги кўчада қолиб кетармиди... Чаток айтдинг-да, – деди.

– Оғзимдан чиқиб кетибди, афсус, айтмасам бўлар экан... – деди ўзи ҳам пушаймон бўлиб.

Аммо энди кеч, ғишт қолипдан кўчган эди. Ўйланмай айтилган бир оғизгина сўз инсон қалбини яралаб қўйганди.

Ана шунақа. Биз ёрдамга ошиқаётган инсонларнинг ҳаммасини холис хизмат қилаётган самимий кишилар деб ўйлаймиз. Баъзан янглишамиз. Миннат эса, қилинган шунча хатти-ҳаракатни йўққа чиқаради. Орқасидан миннат қилинадиган яхшилик бир бечорага фойда эмас, ҳатто зарар келтиради. Демак, ҳар қандай яхшилик эмас, миннатсиз, холис қилинган яхшиликларни кўпайтиришимиз керак экан. Айниқса, бугунги кунларда...

**Болтабой
МУҲАММАД ҚУРБОН**

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИНИНГ ДАРДИ

Таълимдаги ислохотлар буни қанчалик акс эттирмақда?

Телеграмдаги саҳифамга ўнлаб устозлардан мактублар келмоқда. «Мухбир болам, илтимос бизнинг ҳам муаммомиз ҳақида ёзинг!», «Аттестациядан чарчадик...», «Бизнинг меҳнатимизни ким қадрлайди?», «Конспект ёзиш бекор қилинди, лекин биз ҳамон ёзямиз...» – каби мазмундаги хабарларни деярли ҳар куни ўқийман.

Биргина ўқитувчининг муаммоси аслида бутун жамиятга татийди. Шундай экан, халқ таълими соҳасидаги яхши ўзгаришлар фақат марказлару катта шаҳарлардаги мактабларда қолиб кетмасдан чекка қишлоқларга ҳам кириб боришини истардик. Шу умидда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг бизга йўллаётган фикрларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қилишимиз.

Аттестация – ойликни пасайтиришнинг маданий усулими?

Дилафруз ҲАМРОҚУЛОВА,
ўқитувчи:

– Ҳозир ўтказилаётган аттестация мени ҳайрон қолдирди. Тестлар аввалгидан тушунарли, осон, аксарияти дарсликдан олинган. Лекин тушаётган тестни деярли 60 фоиз ўқитувчи еча олмапти. Эртароқ келган айрим ўқитувчилар ўтолмаслигига кўзи етгач, кеч қолдим ёки шунга ўхшаш вазиятни қилиб тестга киришмади. Бугун ўша қолиб кетганлар учун бошқатдан тест бўлиб ўтди, буни қарангки улар олий тоифанинг балини олиб чиқишди. Мен буни ҳасад қилиб ёзаётганим йўқ, мени газаблантирган нарса, бугун аттестациядан «йўлини қилиб» ўтган, аммо дарсликдаги оддий маълумотни ҳам билмайдиган ўқитувчи ўқувчига нима бера олади? Улар қандай «йўлини қилгани»ни билмайман, қўлингиз билан ушламагандан кейин бу тухмат бўлиб қолади. Фақат аттестацияга «кечикиб» келган ўша ўқитувчилар чўнтагига икки-учтадан юзталик доллар солиб келганига кўзим тушганди.

Албатта, аттестация бўлиши керак. Фақат ошқора ва шаффофликда ўтказилиши, шунингдек, тоифалар орасидаги фарқ юқори бўлиши керак. Шунда ҳеч бўлмаса ўша «йўлини қиладиган»лар ҳам ўз мутахассислиги бўйича дарсликларни бирров варақлаб кўрармиди...

Музаффар ИСМОИЛОВ,
ўқитувчи:

– Менимча, аттестация – ўқитувчилар ойлигини пасайтиришнинг маданий усули. Саволлар атайин мурракбаштирилган, берилган вақт эса жуда оз. Хонага киришдаёқ устозларга катта ҳақорат тайёр турибди. Миллий гвардия назоратидан ўтиш керак. Қўли билан ушлаб қўришни камлик қилади, аппаратини ишга солади. Тўлов қоғозини кўрсатиш шарт, рўйхатда борлиги ҳисоб эмас. Ўтган йили менда шундай



бўлди. ХТБ вақилимиз қафолат хати ёзиб бергандан кейин рухсат тегди. Аттестациядан ўтгач, уйга бориб қвитанцияни олиб келдим. Акс ҳолда, мени қафилликка олган ходимимизга жабр бўларди. Ўша куни икки киши ўта олдик, холос. Халқ таълими аълочиси ҳам 52,5 тўшлади. Ўқитувчи абитуриент сингари бўлиб қолди. Аттестацияни бу тарзда тест орқали ўтказиш адолатдан эмас.

Аттестация ХТБ ходимлари иштирокида мактабда ўтказилиши керак. Ота-оналар тавсияси ҳам инobatга олинса яхши бўларди. Тест аттестациянинг 20 фоизини эгалласа етарли бўлади менимча.

Наргиза АСАДОВА,
ўқитувчи:

– Куни кеча аттестациядан ўтиш учун тест топширгани бордик. Очиғи, тестни кўриб на кулгинг келади, на йиғлагинг. Саволларни ўқиб, буни қайси «саводли» одам ёзган экан, деб ўйлаб қолдим. Масалан, қайсидир ижодкорнинг отаси нима касб эгаси эканлигини ўқитувчи эслаб қололмайдик-ку! Ёки «Кичкина шаҳзода» асарида қайси рақамли сайёрада ким яшайди каби саволлар тўғри эмас, деб ўйлайман. Мен бу асарни таҳлил қилишим

мумкин, аммо айнан нечанчи сайёрада ким яшашини эслаб ўтиришимга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Мисол учун, абитуриентлар учун ДТМ алоҳида тест тўпламлари нашр эттиради ва оммага ҳавола қилади. Шу тестлар орқали айнан қайси саволларга тайёрланишини билади ўқувчи. Шундай ёрдамни беш йилда бир бўладиган аттестация учун ҳам йўлга қўйишнинг нахотки имкони йўқ?

Янги қарордан шубҳамиз бор

Муҳаббат ХУДОЁРОВА,
ўқитувчи:

– Яқинда конспектлар, иш режалар ёзилмайдиган бўлибди, деган қарорни эшитдим. Мактабга бориб шу янгиликни айтиб устозлардан суюнчи олай десам, мактаб раҳбаримиз «Жимгина конспектларингизни, дарс ишланмаларингизни ёзиб юраверинглар. Эрта-индин текширув келиб қолса дарс ўтганингизни қандай исботлайсиз?» – деб қолдилар. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши ёзиб юрибмиз.

Мен ҳеч қачон ўқувчиларимдан пул йиғмаганман, ўзимнинг синфхонамни ўзим таъмирлаганман. Яқинда ўқувчи-

ларимга деб синфга антисептик воситалар, тиббий никоблар ҳам олиб келиб қўйдим. Мабодо ўқувчиларим никобини эсидан чиқариб уйда қолдириб келса гап эшитмасин дедим-да. Тоифа аттестацияларидан 95 балл олиб олий тоифа бўлдим. Лекин барча соҳалар каби таълимда камчиликлар етарлича. Билимсиз ўқитувчилар ҳам топилади, маош кўтарилган бўлса-да, барибир қолган соҳалар билан солиштирганда оз...

Жонли дарсларни орзу қиламиз

Асилбек АБДУРАШИДОВ,
Бухоро вилояти Ғиждувон тумани
9-сонли мактаб 8-синф ўқувчиси:

– Мактабимизда ҳамма дарслар ҳам яхши ўтилмайди. Масалан, мен мусиқа дарси ҳозиргидек номига эмас, умуман бошқача ўтилишини истардим. Мусиқа дарсида фақат кўшиқ айтмасдан рубоб, доира, тор каби чолғу асбобларини чалишни ўргансак яхши бўларди. Ҳамма боланинг овози ҳар хил. Кимникидир юпқа, кимникидир йўғон тонда. Ашула айтганимизда охириги паргаларда ўтирган ўқувчилар кўшиққа мос бўлмаган сўзларни ҳам айтишади. Ўқитувчи эса бунга эътибор ҳам бермайди.

Рус тили дарсларида эса ўқитувчи фақат рус тилида, инглиз тили дарсларида инглиз тилида гапирса. Адабиёт дарсларимизда ёзувчи, шоирлар, адабиётшунослар билан учрашувлар ташкил қилинса биз учун жуда қизиқарли бўларди. Хуллас, бизнинг дарсларимиз ҳам хориж киноларида кўрганимиздек жонли бўлишини хоҳлардик.

Дурдона САТТОРОВА,
Сирдарё вилояти Гулистон тумани,
Дехқонобод шаҳарчасидаги
14-мактаб 7-синф ўқувчиси:

– Биз яшаётган жой четроқда бўлгани учунми, мактабимизда кимё, биология фанлари мен хоҳлагандай ўтилмайди. «Болажон» телеканали орқали кимё фани билан боғлиқ жуда қизиқарли тажрибаларни кўраман. Кимё дарсида биз ҳам шундай тажрибаларни қилсак дейман. Мактабимизда лаборатория хонасининг ўзи йўқ. Дарслигимизда «Амалий машғулотлар» мавзуси келса ўқитувчимиз дафтаримизга «амалий ишни бажардик, CO₂, рух, водород аралашмасини кўрмоқчи бўлдик. Натижада реакцияга киришганини кўрдик», дея ёзириб баҳолайдилар.

Бизда кимё дарси ана шундай ўтилади.

Азизбек АБДУМАЛИКОВ
тайёрлади.

ЙЎҚ КЕЛИНЧАК УЧУН ЧИМИЛДИҚ ОСИБ ҚЎЙМАЯПМИЗМИ?

Ҳали қилинмаган, ҳали заррача бир нафи ёки зарари кўринмаган ишга бунчалик жиққа мушт бўлишнинг нима кераги бор? Сўнгги вақтларда «қуруқ ваъда»нинг ўзини ёқалашиб муҳокама қилишга ўтиб кетяпмиз. Тўрт кундан сўнг бу ҳаммининг эсидан чиқади, катта эҳтимол билан улкан муҳокамалар марказида бўлган ўша иш ҳам қуруқ гаплигича қолиб кетади ёки бошқа мақсадлар кўзланган бўлади.

Битта мисол. Олдинроқ хорижга ишга жўнатиладиган агентлик фаолиятидаги коррупцион ҳолатлар, адолатсизликлар роса танқид қилинди. Аслида ҳам ҳақиқатда шундай эди ўша

ташкilot фаолияти. Бунинг ечими сифатида эса хорижга ишга жўнатиш ҳуқуқини хусусий фирмаларга бериш кераклиги айтилди. Энг оқилона ечим сифатида роса «хайп»

қилинганди ўшанда. Оқибат нима бўлди? Ўша хусусий фирмалар қанча одамни ишга жўнатганини билмайман, аммо минглаб одамларни миллиардлаб пулга чув туширди. Бу ҳали аниқлангани, аниқланмагани яна қанча?

Бунга ўхшаган мисоллар кўп. Автомашинани кредит улашнинг беришда ҳам шундай ўйинлар бўлди. Одамларнинг автомашинага юқори талабидан устамонлик билан фойдаланишди. Сунъий навбатлар, «шапка»лар... Бўлиб тўлашга

автомашина олиб беришни ваъда қиладиган фирмаларнинг кўпайиб кетиши...

Хуллас, одамлар ҳаётидаги маълум бир муаммо ечимига, бирор эҳтиёжни қоплашга қаратилган «эзгу ишлар»дан чўчиб ҳам қолдик. Шу боис ҳам пиар учун йўқ нарсани муҳокамага ташлаб арзон очко олишдан кўра, унинг бирор амалий натижаси кўрингандан кейин айтишга ўтиш вақти келмадимикан?

Ҳарқалай, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимовнинг

оқсочларни ўқитиб тайёрлаш ҳақидаги гапларидан кейин тўхтамаётган муҳокамаларни кўриб шу фикрлар ҳаёлимдан кечди.

Жамиятдаги битта муаммо ечими фонида яна ўнта муаммо келиб чиқмаслиги учун ҳам етти ўлчаб бир кесиш керак. Қош қўяман деб кўз чиқариш ярамайди. Акс ҳолда муаммоларнинг бу тарздаги популистик ечими мамлакат учун ҳам, халқимиз учун ҳам қимматга тушаверади.

«ХОРАЗМ ТУПРОФИНИ



«Урганчмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли жамоаси томорқа ер эгалари ҳамда фермерлар оғирини енгил қилишга, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хоразм элининг қадимий тутуми

*Халқингни мен ҳамхонам,
туғишганим деб севаман,
Ерингни мен бағри кенг маконим
деб севаман,
Хоразм тупроғини қайда
юрсам согиниб,
Киндигимнинг қони томган
Ватаним деб севаман.
Сопол тошга гул муҳрлаб
Хива наққош чевари,
Огаҳийлар армон этган
ерларга гул кўкариб,
Махтумқули илҳомига пари
бўлган гўзал жой,
Ажиниёз изи тушган
кўчаларинг табаррук...*

Ушбу фарахбахш, дилбар сатрларни ўқир экансиз, кўз ўнгингизда беихтиёр Хоразм замини бор бўй-басти билан гавдаланади. Қадимий, ўзига хос, сирасорларга бой ўлка бу.

Ҳар доим ўз шахд-шиддати билан тўлиб, айқириб оқаётган кудратли Амударёдан воҳанинг Шовот, Қўшқўпир, Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Тупроққалъа, Хонқа, Боғот, Янгибозор, Янгиарик, Гурлан, Урганч сингари барча туманлари сув олади, экин-тикинни қондириб суғориб келади. Гулу гулзорларга, чаманзорларга айланиб бораётган ушбу манзилларнинг барчаси, яъни қон томирлари Жайхун дарёсига туташиб кетган бу жойлардаги гўзал табиат манзаралари кўплаб инсонларни ўзига тамомила мафтун этган. Устига-устак шўр, зах, оқова сувлар сероб отизларда матонат ва чидам билан умргузаронлик қилиб, боғ-роғлар яратаётган кўплаб хоразмликларнинг табиатга бўлган меҳри-ю, ошнолигини оширган.

Дарҳақиқат, Хоразм элининг ризк-насибасининг бутунлиги кўҳна ва ажойиб-ботларга ўта бой Амударёга чамбарчас боғлиқдир. Негаки она дарё неча асрлардан буён воҳадаги барча манзилларни оби-ҳаёт билан қондириб келади. Бу ҳақиқатни еттидан етмиш ёшгача бўлган барча одамлар ич-ичидан англаб етган. Шу вайдан суғориш ишларини ташкил қилишнинг бошида азалдан катта тажрибага эга, ҳаёт аччиқ-чучугини татиб кўрган, уddaбурон, энг муҳими одилонани иш олиб боровчи кишилар турган. То бугунгача элининг бу қадимий тутуми амалда. Миробларнинг асосий истаги воҳани бундан-да гуллаб-яшнайтиш, турфа хил ноз-неъматлар етиштираётган қўли қадоқ миришкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, эл дастурхони тўқинлигини таъминлашдир. Ана шу йўлда улар белни маҳкам боғлаб хизмат қилмоқда.

Бошланади ижод ва турмуш

Қайноқ ёз маҳали эди. Кун тандир мисоли қизиган. Айниқса, ўша ёзда миробларнинг, қолаверса, «замин шифокорлари»нинг иши ҳаддан зиёд кўп бўлади. Устига-устак ўша пайтларда сув танқислашиб, унинг ҳар бир қатраси тиллога тенг бўлади. Соҳа жонкуяри, тиниб-тинчимас инсон Тулибай оға

хўжаликма-хўжалик кезиб, бир хил кунлар ярим кеча бўлганда уйига оёғида-оёқ қолмай, ҳориб-чарчаб қайтади. Бир куни шундай кеч келиб қараса, оёғига илиб юрган этигининг нахали учиб кетишига бир баҳя қолибди. Дарров ховлиси адоғидаги устахонага бош суқди. Айнан ўша жойнинг ўзидаги эски стол устида ўтириб, этикни таъмирлашга киришиб кетди. Ҳаш-паш дегунча, матоҳга қулинг ўргулсин қилиб нахал қоқиб олди-қўйди. Сўнгра кўнгли хотиржам тортиб, кечки овқатга ўтирди. Иштаҳа билан овқатланди, бир-икки пиёла кўк чойдан бостириб ичгач, ён-бошлаб пинакка кетди. Бир пасда донг қотди-қолди.

Тонг саҳар уйғониб, яна одатдаги юмушига отланди. Ҳадемай кун чикди. Янги меҳнат симфониясига старт берилди. Бошқа элдошлари тирикчиликнинг минг бир ташвишларига энди шўнгий бошлаганида Тулибай оға ёбонларни кадамба-кадам кезиб юрарди.

Ҳамроҳим – «Урганчмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, тажрибали ирригатор Тулибай оға Утамуротов чор-атрофга узоқ тикилди. Сўнгра ерда турган чойнақдан яхна қўйиб симирди, ҳаш-паш дегунча қўлидаги рақамлар жо этилган қоғозга кўз қирини ташлаб, суҳбатни давом эттирди. Аслида ҳар қандай дабдабали, чиройли сўздан кўра, ҳақиқат юзини равшанроқ, мана-мен деб кўрсатадиган рақамлар авлороқдир.

Келинг, шу ўринда биз ҳам бироз рақамларни келтириб ўтайлик. 2008 йилда ташкил этилган ушбу масъулияти чекланган жамияти вилоятнинг барча туманларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида жамоа томонидан 16 миллиард 117 миллион сўмлик иш уddаланди. Жумладан Урганч туманидаги «Юқори Дўрмон» коллекторида 2 миллиард 500 миллион сўмлик, Шовот туманидаги «Шовот қалъа» коллекторида 1 миллиард 200 миллион сўмлик, Хива туманидаги «Озёрный» коллекторида 610 миллион сўмлик, Шовот туманидаги «Бўстон», «Бешчиқир», «Оқ олтин», «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини худудларидаги зовур тармоқларини таъмирлаш-тиклаш объектларида 715 миллион, Урганч туманидаги «Равот», «Қоҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидаги зовур тармоқларини таъмирлаш-тиклаш объектларида 590 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 майдаги «Хоразм вилоятида суғориш тармоқларини яхшилаш» бўйича ўтказилган йиғилиш баённомасига кўра, вилоят туманларида сувни бошқариш, ҳисоб китобини юритиш ва сувдан самарали фойдаланиш бўйича намунавий участкаларда 72,2 километр бош сув олиш тармоқларини бетонлаштириш объекти (1-босқич) учун 1 миллиард 972 миллион сўм ҳамда (2-босқич) 8 миллиард 160 миллион сўмлик ишлар уddаланди. Ушбу мақсадлар учун сарфланган маблағ миқдори ҳаммаси бўлиб 16 миллиард 117 миллион сўмни ташкил этди. Шу йилнинг биринчи октябрига қадар йилдан-йилга ўтувчи объектларидан ҳисобланган Шовот ту-

манидаги «Шовот қалъа» коллекторида 2 миллиард 131 миллион сўмликдан ортик, Хива туманидаги «Озёрный» магистрал коллекторида 1 миллиард 489 миллион сўмликдан ортик, вилоятдаги Сув истеъмолчилари уюшмаларида 4 миллиард 495 миллион сўмлик ирригация-мелиорация ва бетонлаштириш ишлари бажарилди.

– Сезиб турибман, жавобимда рақамлар сероб бўлиб кетди, – дейди «Урганчмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти директори Тулибай Утамуротов. – Атайин шундай қилдим. Бу рақамлар ишни борича, баландпарвоз гаплардан ҳоли тарзда кўрсатади. Қолаверса, бу рад этиб бўлмайдиган фактлардир. Мазкур рақамлар қатида жамоамиздагиларнинг қишни қиш, ёзни ёз демасдан бажарган машаққатли ва айни дамдаги шарафли пешона тери ётибди. Негаки, улар ўз хузур-ҳаловатидан, оромидан кечиб тинмай захкаш, коллектор қазади, ариқ ва каналларни қулинг ўргилсин қилиб таъмирдан чиқаради. Шундай қилиб, эл-улус корига ярайди. Томорқаси зах, сизот сув балосидан ариган одамлар эса шириндан шакар ноз-неъматлар етиштиради.

Хартумли баҳайбат машина

Бу саҳий, танги, мард халқ учун қанча иш қилсанг – шунча кам. Кези келса бу халққа, томорқа соҳибларига оқар сув келтириб берсанг, пул, мол эканку ҳаттоки ширин жонини ҳам нисор этади. Бунга жамоа раҳбарияти ўз фаолияти давомида жуда кўп бор гувоҳ бўлган. Шу ўринда мен Хитой давлатидан катта маблағ эвазига келтирилган экскаваторларда гап кўп эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Уларни, таъбир жоиз



бўлса, хартуми бор баҳайбат машинага бемалол қиёслаш мумкин. Боиси бу «полвон»ни яқин-яқинларгача эл-улус ерда юрадиган паравоз, яна бошқачасига айтганда эса заминни титратадиган темир фил, дея хайрат билан мактаб келишмоқда.

«Урганчмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг мана шундай кўплаб «полвон»лари чўлу ёбонларни кесиб, тилиб ўтадиган жойларда канал ва коллекторлар қазилган сафарбар этилган. Улар уззу-кун жазирама офтоб тиғида қизиган кумлар орасида жонбозлик қилишяпти. Шунданми бу юмушга жалб этилганларнинг иссиқ-совуғи, ётиш-туриши жамоа раҳбарияти ва касоба уюшмаси қўмитаси гарданида. Агар таъбир жоиз бўлса, улар моҳирлик билан бошқараётган кудратли техника-

ларнинг филдек кучи бор. Техникалар эса бу кучни бекорга сарф қилаётгани йўқ. Юрт ишига, оддий тупроқ сикимлаган одамлар манфаатига сарфляпти. Кези келса, одамлар жамоа аъзоларининг бу сингари ҳимматига, эзгу ва савобга йўғрилган юмушига ўн ҳиммат билан жавоб қайтаришга қодирдир.

Тулибай оға Утамуротов ўз умрининг кўп қисмини сув йўлларида, тўғонлар бошида ўтказган. У Амударёдан сув оладиган шошқин, тесоқар канал ва коллекторлар билан басма-басига олишиб, қанчадан-қанча машаққат чеккан, тошқин ва селларга қарши мардонавор курашган. Шунданми, озроқ бўш вақт топдими, уни кенг уфқларга туташган сув кирғоғи бўйлаб битта-битта қадам ташлаб юришга сарфлайди. Ҳайкириб, кўпириб оқаётган озод сув билан дилдан гаплашаётгандек бўлади. Гоҳ пиёда, гоҳ от миниб бутун Хоразм воҳасини кезади. Ночор, бир аҳволга тушиб, мунгайиб қолган сув иншоотларини тиклашга астойдил, жоним-отим бел боғлаб ҳаракат қилади.

Шу мақсадда эринмасдан, ҳафсала ва чидам билан халқ миробларининг, жумладан сувчилар устози бўлган Мунис ҳамда Огаҳий ҳазратларининг узоқ асрлик бой тажриба ва ўзига хос аънана ва тутумларини обдон ўрганишдан сираям эринмайди. Ўрганганларини хотирасига жо этиб боради. Лойиҳаларни амалга оширишга, ҳаётга татбиқ этиб боришга астойдил интилади. Айниқса, воҳада коллектор ва каналлар қурилишида кечасию кундузи иш суръати қайнайди. Тракторларнинг шовқини, одамларнинг у кирғоқдан бу кирғоққа қараб бақириб-чақирини олис-олисларга ҳам эшитлади.

Бир маҳаллар, яъни собиқ иттифок даврида ҳозирда зўр бериб экскаваторлар коллектор қазийётган жойдан ариқ тортиб келинган эди. Ачинарлиси бу

арикнинг суви аранг икки-учтагина кишлоқни суғоришга етарди, холос. Гоҳида сув манзилга етмай тупроққа шимилиб кетарди.

Биласиз, гўза, умуман барча экин-тикин оқар сув билан тирик. Сув умуман экинни бор бўйича яшнатади, жон ато этади. Шунинг учун «замин шифокорлари» қазиган канал ва коллекторнинг аҳамияти бўлакча. Қолаверса, ишчиларни «ҳа бўл», деб тергаб турмасанг, жўжани кузда санаш маҳалида ер чизиб, уялиб қолиш ҳеч гап эмас.

Тулибай оға кундузи экскаватор ҳайдовчилари чўмичида қазиб чиқазган тупроқ уюми устида чўнқайиб ўтириб олди. Сал наридаги пастликда чумолидек уймалашаётган одамларни, «хартум»ини чўзганича чакконлик билан тупроқ чиқараётган техникалар ишини

ҚАЙДА ЮРСАМ СОҒИНИБ...»

кузатаркан, хаёли яна даласига кетди. Бу экскаваторни чаптастик билан бошқараётган одамлар ер қазишнинг тилини билиб олган, режани тўғри олиши, ўзини сираям койитмай ақл билан ерга техника чўмичини ботириши ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки бу механизатор бошқа каналлар қурилишида ишлаб чиниккан, тажриба орттирган, топширилган ишни бекаму кўст уддалайди. Ана шу каналларнинг ҳар икки қирғоғида қатор қилиб экилган, шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган каттақон ёнғок, жийда дарахтлари шамолда охиста чайқалиб қолади. «Замин шифокорлари» сардори Тулибай оға бўлаётган ишларни яна бир қур кўздан кечириш учун участкаларнинг ҳамма жойларини эринмасдан кезади. Қайси ерда иш сушт кетаяпти, қайси ерда яхши, ишчилар катталардан қандай ёрдам сўрайди – шуларни хаёлан мулоҳаза қилиб, чамалаб боради. Сув мавжларига охиста кулоқ тутади. Кўкка бўй чўзган яланғоч теракларнинг учи бирдан худди ўтда обдон қиздирилган симобдек қип-қизил бўлиб кетади. Худди атлас монанд товланиб ётган осмон беғубор, сокин, ҳаво шифобахш, оромбахш. Ҳавода тинмай мезонлар ўйноқлаганича учиб юради.

Дарё бўйларининг соғинчи

Минтақанинг табиати бошқа манзилларга қараганда, солиштирилганда бўлакча. Кундузлари офтоб тиғи ҳаддан зиёд қиздиради. Кечга бориб эса шамол ётади, шунда ўз-ўзидан ҳаво дим бўлади-қолади. Адл дарахтларнинг ҳатто энг тепа шохлари ҳам қимирламай қолади. Дарҳақиқат, боя айтганимиздек, дарё ёқлари ажиб бир тароватга ғарқ, бой жойлардан ҳисобланади. У ерларда қолсанг кеч тушиши ҳамоноқ, ҳаво бироз дим бўлади-да, сўнг ғириллаб, танага хуш ёқадиган сабо эсади. Бу пайтга келиб дарёнинг лойқа, пўртана сувлари қирғоққа шалолаб урилгани-урилган. Ўрдақлар базми бошланади. То тонг отгунга қадар ёввойи жониворлар ғак-ғак товуш чиқариб, алланарсаларни баҳс этади, тортишади.

Эрта куз шамоллари ўзини қум уюмларига аямасдан уради, сирпаниб дарё оқими томонга юзини буриб кетарди. Ана шу чоғда дарё оқими тарафлардаги бепоён шолзорларда ин қурган пашша-чивинлар еру-қўкни босиб ғинғиллаганича, жондор борки, бир чақиб ўтмаса жони савил қолгур тинчмайди. Фақатгина шамол туриб, чивин зотини олис-олисларга учуриб кетади. Баъзи йиллари, яъни ёз чоғларидагина ўкириб, қирғоққа сапчиб оқаётган асов дарёнинг боши янчилган илондек аста ҳолдан кетади. Сув камайиб, ўнг ва чап қирғоқ тағларидан лойқа очилиб, дарё баликка ўхшаб ўртага қоча бошлайди. Ҳаттоки, дарё ўрталаридаги тошлар, шағаллар бемалол кўзга ташланиб қолади. Бу маҳалда дарё яқинида умргузаронлик қилиб келадиган, кўпни кўрган ёшуллилар қафтларини очиб, «Она дарёмиз оби ҳаётга, тириклик сувига сероб бўлсин. Сувга зор, ташна бўлиб ўтган ота-боболаримиз ва азиз-авлиёларнинг арвоқлари доимо ёр бўлсин. Дарёмиздан сув қочмасин», дея дуо қилишади.

Дарё қирғоқларидаги сайхонликда

учта нортау оғзидан кўпик сачратиб, чўккалаб турарди. Ундан нарида уордаги беш-ўнга от ўт чимдиб юрибди. Улар устига тўрғайлар кўниб олиб, берилиб кўшиқ қуйламоқда.

– Маълумки, пандемия сабаб аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжи ҳаддан ортиши кузатилди. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 апрелдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ер майдонларини фойдаланишга киритиш бўйича ирригация ишлари лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги йиғилиш ҳужжатига мувофиқ корхонамизда



аниқ ва мақсадли ишларга қўл урилди, – дейди «Урганчмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Зокиржон Худойберганов. – Бунга мисол қилиб, Урганч туманидаги «Кум-яб» каналининг беш чақиримини реконструкция қилиш, бетон қоплама ишларини бажариш объектида биргина май ойининг ўзида 1 миллиард 608 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилганлигидан ҳам билиб олиш мумкин.

«Кум яб» канали 1960 йилда иш бошлаган. Ушбу канал 2144 гектар ер майдонига сув етказиб беради. Урганч туманидаги «Ғойбу» сув истеъмолчилар уюшмаси, «Бекобод-Кумобод» сув истеъмолчилар уюшмаси миришкорлари ушбу канал сувидан баҳраманд бўлиб келади. Бугунги кунга келиб мазкур канал ён ва тубига лойқа ўтириб қолиши туфайли сув ўтказиш қобилияти пасайган. Оқибатда унинг сув бошқариши қийинлашиб, каналдан суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ёмонлашиб, канал охиридаги суғориладиган ер майдонларига оби ҳаёт етиб бориши қийинлашган. «Замин шифокорлари» мазкур ишларни бажарганидан кейин «Кум-яб» каналида сув ҳажми ва сув оқиши сезиларли ошди. Бу эса дехқончилик ерларида кўшимча ноз-неъматлар етиштириб, бозорларини тўқинлаштиради. Айнан ўша жойда ёрдамчи пудратчи сифатида 520 миллион сўмлик иш бажарилди.

Жамоа фақатгина бу ишлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Биргина Хива туманидаги «Касма-1» коллекторининг ПК19+30га 1 дона СНПЭ 500/10 маркали насос станцияси қуриш иншоотида 366 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Яна Хива туманидаги

ВД-1 зовурининг ПК3+28 га 1 дона СНПЭ 500/10 русумли насос станцияси қуриш иншоотида 406 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилганлиги одамни мамнун этади. Умуман олганда, масъулияти чекланган жамиятида жорий йилнинг биринчи октябр ҳолатига келиб жами 10 миллиард 706 миллион сўмлик ишлар бажариб бўлинди. Бу миқдор йил охирига қадар яна ошади. Мақсад – кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари ҳосилдорлигига ҳисса қўшиш.

...Тун чодирини бостириб келди



сираям изн бермасди. Она табиатдаги ажиб ифорлар ҳамда катта сувликнинг ажиб бир шовқини уларни тамомила гангитиб қўяёзганди.

Бошқа ёқда, яъни она дарёга яқин гўшада девсифат зарда билан тинмасдан ишлаётган экскаваторнинг бир маромдаги аллаловчи овози элас-элас кулоққа чалинарди.

Тулибай оға, беихтиёр овоз келаётган дарё ёққа, тепаликка нигоҳини қадади. Тикилиб қараб, осмон токи баланд ва хийлагина тиник эканига кўзи тушди. Юлдузлар шу қадар кўп бўлиб чиққан эдики, мисоли осмонга сон-санокиз бодроқ сочиб юборилгандек эди. Ҳаттоки, сомон йўлининг адоғида ҳам ситоралар бири қўйиб, иккинчиси милт-милт қилиб, тикилган кўзни қамаштирарди. Ана шундай ажиб бир манзарадан завқланган Тулибай оға бирдан қўл узатса етгудек манзилда кудратли техникани бошқараётган ҳайдовчи ишини кўрмоқчи бўлди. Бугун унинг ана шу тахлит ишларни обдон назорат қиладиган куни. У бугунги ишни эртага қўйма, деган халқ нақлига амал қилиб, ўша томонга илдам қадам ташлади.

Бу маҳалда бошқа бир экскаватор ҳайдовчиси Жамол Яхшимуродов эса, вагон уйда хуррак отиб ухлаётган шеригини турткилаб уйғота бошлади. «Ҳой, тура қолинг. Вақт ўтиб, сизнинг галингиз етди. Туринг, бу ерга ухлагани келганмисиз?..» Ҳа, жамоада узок йиллардан бери ҳалол ва сидқидилдан ишлаб, ҳамкасблари хурмат-эътиборига сазовор бўлиб келаётган экскаватор ва бульдозерчилар талайгина. Улар сафига Ҳамдам Нурметов, Дониёр Душамов, Ўткир Ҳайитов, Илхом Душамов, Жамол Яхшимуродов ҳамда Саъдулла Ёқубов, Эргаш Норбоев, Умид Мавлоновларни бемалол қўшиш мумкин. Бу азаматлар ҳар доим зиммаларига юклатилган вазифани бекаму кўст адо этиб келади.

Экскаватор ҳайдовчиси Ҳамдам Нурметов билан гурунглашганимизда, у масъулияти чекланган жамият томонидан иш тўғри ташкил этилганлигини, иссиқ овқат ҳамда ойлик маош ва мукофотлар кечиктирмасдан бериб борилаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Чиндан ҳам, бу сингари эътибор барча ўз вазифасини зўр муваффақият билан бажаришига турки бўлмоқда. Айни дамда масъулияти чекланган жамияти техника паркида ўн битта экскаватор, тўртта бульдозер, иккита трактор, битта автокран, битта автотрайлер, битта автосамосвал, битта бетонқорғич, битта пайвандлаш агрегати, тўртта энгил автомашина мавжуд. Мазкур техникалар иш жараёнида жуда ҳам асқатмоқда.

Хоразм воҳасида хизмат сафарига юрганымда, кўпдан-кўп кекса ёшдаги табарруқ онахон ва отахонлар билан рўбару келдим, дилдан суҳбатлашдик. Уларнинг аксарияти эл-юрт манфаатларига хизмат қиламан, деб бел боғлаган, фидойи кишиларни алқаб, бошига қўтаришар экан. Негаки, қадимдан элда ариқ тозалоган, йўл ва кўприк барпо этганлар савоби улкан дейилади. Буни биз бугун «Урганчмахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамиятининг азамат фаолиятида ҳам билиб олдик.

дегунча, чексиз ёбонлардан чўл бўрилариининг одамни ваҳимага солувчи увиллаши, ёввойи тўнғизларнинг кўксав йўталдек ёқимсиз товуши, эчкиэмарларнинг ола-чипор мурда нигоҳидек совук ва ёқимсиз боқиши, ҳар ер, ҳар ерда илон пўстларининг ожиз йилтираши, бойўғлининг юракни беҳол қиладиган ўкириғи, дўнгликларда худди хайкалдек қотган чўл бургутларининг виқорли ва мағрур боқиши кўз олдингизда намоён бўлади. Аммо бу ҳолат ғайрат билан ишлаётган экскаваторчиларни кўп ҳам чалғитмайди. Улар баъзан бир муддат жим қолиб, атрофга кулоқ тутади-да, яна юмушини қолган жойидан давом эттираверади.

Ситоралар шивир

Осмону фалак тоқида суксурдай сулув, тўлин ой жамол кўрсатди. У бир зумда зим-зиё тунни ёритиб юборди. Тулибай оға чўккан майса устидан «ё, пирим», дея сапчиб турди-да, жўшқин шамолда шовуллаётган дарё соҳилига тушди. Ойнинг қизғиш нурларида шуъла сочиб жилваланаётган, йилтиллаганича кўзни қамаштираётган тарам-тарам тўлқинли сувга қўлини солиб, ҳовучига тўлатиб, бир кафт сув ичди. Сўнгра қизиб, чанг, ғубор қўнган юзини ишқалаб ювди. Хаёлида эса шоирнинг «Сув бўйида мажнунтоллар, Сочин ёзар ҳам солланар, Бир ширин ўйларга толар, Лайли тушгандай эсига, Термулар ой шуъласига...» деган сатрлари жонланди. Шу аснода бутун танаси яхдай сувдан жимирлаб, яйраб кетди. Бу маҳалда қуриган хас-хашақларни ёқиб, гулханни гуриллатган корхона ишчилари ҳам ўз хаёллари билан банд эдилар. Назаримда улар тўзғиган ўй-хаёлларини бир нуқтага тўплай ололмаётган эди. Юракларида шундай мураккаб ҳис-туйғулар кўзгалган эдики, шунчаки, юзаки хулоса чиқаришга

Ижтимоий тармоқлар оралаб...

platforma.uz
20 603 подписчикаЭнг ғалати ўйин
қоидаси

бизнинг жамият учун ҳам бегона эмас...

Футбол тарихидаги энг ғайритабиий, ноанъанавий, оригинал ўйин қачон бўлганини биласизми? Ушбу маълумотларни ўқиб саволга аниқ жавоб топасиз.

Бу воқеа 1994 йил Кариб кубоги мусобақалари доирасида рўй берган экан. Гренада ва Барбадос ўртасидаги гуруҳ босқичининг сўнгги ҳал қилувчи баҳси. Плей-оффга фақат биринчи ўринни эгаллаган жамоа йўл олади. Барбадос бунинг учун рақибини камида икки тўп фарқи билан мағлуб этиши керак эди. Йўқса, рақиблар кейинги босқичга чиқиб кетарди.

...Ўйиннинг 83-дақиқаси. Ҳисоб 2:1. Барбадос олдинда. Аммо бу натижа уларни қониқтирмасди. Боз устига, гренадалиқлар бутун жамоа бўлиб ўз жарима майдонларига «ётиб» олишган. Аммо барбадослар бундан умидсизликка тушмай, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган бир ишни амалга оширадilar. Яъни сўнгги минутларда атайин автогол уриб, ҳисобни тенглаштиришади – 2:2. Нега дейсизми? Шундай қилиб улар яна кўшимча 30 дақиқа ишлаб олишади-да.

Саросимага тушиб қолган гренадалиқлар ўз дарвозаларини ишғол қилишга шошилишади. Йўқса, гуруҳда қолиб, ҳолларига маймунлар йиғлаши аниқ эди.

Шунда барбадосликлар яна «калласини ишла-тиб», нафақат ўзларининг, балки рақибларнинг ҳам дарвозасини кўриқлашга тушишади. Буни қаранг-ки, шоввозлар икки қарра масъулиятли ва-зифани шараф билан удалашади. Кўшимча ярим соатда эса Барбадос термаси рақиб дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни 3:2 кўринишига келтиради. «Хўш, нима бўлибди, ўзгариш йўқ-ку, мантиқ қани?» дерсиз. Аммо шошилманг. Ўша пайтлардаги қоидаларга кўра «экстра-тайм»да киритилган битта гол «олтин»га тенг бўлиб, иккитага ҳисобланарди.

Шундай қилиб, Барбадос аҳмоқона қоида шаро-фати билан 4:2 ҳисобида ғалаба қозонади ва кейин-ги босқичга йўл олади.

Кейинги матчлар нима бўлгани бизга қоронғу. Тўғрироғи, унча қизиқ ҳам эмас.

Муҳими, ушбу «от ўйин»дан кейин ташкилотчи-лар қоидалардаги хатоларини вақтида англаб ет-дилар. Шундай қилиб кўшимча дақиқада урилган битта голни иккитага ҳисоблашдек «буюк арифме-тика» бекор қилинади.

Бундай олиб қаралса, юқоридаги каби «қоида» бизнинг жамият учун ҳам бегона эмас экан. Йўқса, ижтимоий тармоқларда «кундуз куни чироқ ёкиб юриш», «тонировка», «парда», IMEI, автомобиль нархлари, UzAutoMotors билан кечаётган суднинг ёпик ўтказиш учун берилган таклиф, ўғли «550»ли «Трекер»да «150» босгани учун узр сўраган Ол-малик шаҳар ҳокими, бундан хулоса қилмаган арзанданинг яна «кўча жанглари» каби «мавзулар» бу қадар кенг муҳокама қилинмас эди. Кимлар томонидандир яратилган мана шундай «олтин тўп тамойиллари»дан оддий одамлар азият чекавера-ди. «Буюк манфаат қоидалари»ни ўзгартиришга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатаётганларнинг «битта голи эса ҳамиша иккитага ҳисобланаверади».

А, лаббай?!

АДОЛАТ МУШТИ

Хаста бўлган бир одам шифокорга:
– Томир уришимни текшириб, дардимни аниқла, – деди.

Шифокор беморни текшириб кўрди. Ҳеч умид йўқ. Ўлими яқин эди. Беморга:

– Бор, кўнглинг нима тусаса, шуни қил. Парҳез-га эҳтиёж йўқ, – деди.

Бемор хурсанд, кўнгли хоҳишига кўра дарё бўйига борди. Қараса, бир дарвеш юз-қўлини ювяпти. Тақир бошини кўриши билан бир тарсаки ургиси келди. Аслида шифокор ҳам: «Кўнглинг нима хоҳласа, шуни қил», деган эди. Шундай қил-маса, дарди оғирлашади. Қўлини кўтариб, тақир бошига бир тарсаки туширди. Дарвеш аччиқланди, жойидан сакраб турди. У ҳам бемор одамга мушт билан жавоб бермоқчи бўлди. Сўнгра эътибор берса, эти суягига ёпишган бир жасад... Урса, йиқилиб ўлади. Тегмади, аммо, беморни қозининг ҳузурига олиб борди. Шикоятини айтди:

– Бу одам ҳеч бир сабабсиз мени урди. Жазо беришингизни сўрайман.

Қози бир дарвешга, бир беморга қаради. Бе-морнинг оёқда турадиган ҳоли йўқ... Ичи ачиди. Шикоятчига:

– Кўрмайсанми, бу одамнинг эти суягига ёпи-шиб қолган, бунақалар ўлик ҳисобланади. Мен тирикларга ҳукм чиқараман. Воз кеч бу даъво-йингдан, – деди.

Дарвеш даъвосида қатъий турди:

– Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ, аммо ургани аниқ, ўлик бўлсин, тирик бўлсин, мен адолат ис-тайман, – деди.

Қози:

– Яхши, ундай бўлса... – деб, бемор одамдан сўради:

– Оз бўлса ҳам пулинг борми?

Бемор жавоб берди:

– Олти дирҳам пулим бор. Бошқа ҳеч нарсам йўқ.

Қози ҳукм чиқарди:

– Яхши, уч дирҳами ўзингда қолсин. Уч дирҳа-мини бу одамга бер. У бечора ҳам йўқсил...


Қозининг бу ҳукмига бемор ғазабланди. Аслида қозининг ҳам тумшугига бир мушт туширгиси бор эди. Чидай олмади. «Модомики бир тарсакиннинг жазоси уч дирҳам экан, қолган уч дирҳамни ҳам қозига бераман», деб ўйлади ва ўрндан туриб қозининг тумшугига бир мушт туширди.

Қози ғазаб билан сапчиб ўрндан турди. Шу пайт бемор одам:

– Қози жаноблари, нега кизишасиз? Сизнинг ҳукмингиз адолатга таянади. Ўзингиз учун раво кўрмаган ҳукми бировга қандай раво кўрасиз? Шу олти дирҳамни олинг, иккинчигиз бўлишинг, – дея маҳкамадан чиқиб кетди.

«Маснавий»дан

ЎТКИР НИГОҲ



Изоҳи ўзингиздан...

Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

ИНТЕЛЛЕКТ

БҮЮК АЛЛОМА

У ҳар бир сўзни қишлоқма-қишлоқ юриб тўплагани ва ўрганганини ёзган. Сўзлар-нинг ҳарф, товуш таркиби, тузилиши, келиб чиқиши, ишлатилиши ҳақида жиддий илмий тадқиқотлар олиб борган. Ҳатто тилшунос-ликда бугунгача тадқиқ этилмаган бир қанча жиҳатларни илк бор муомалага олиб кирган. Баъзи сўзларнинг паст овозда айтилиши зарур-лигини таъкидлаган.

Савол: Тилшунослик илмига катта ҳисса қўшган бу қомусий олим ким?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунигача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 8 октябрь 41-сонид-да берилган саволнинг жавоби: **ИНСОН.**

ПАЗАНДАЛИК

ҚОВОҚ ДИМЛАМА

Керакли масалликлар:

200-300 грамм ёғли кўй гўшти, 10 дона картошка, 1 дона қовоқ, 2-3 дона пиёз, 2 донадан қизил ва яшил булғор қалампири, 1 дона бақлажон, 6-7 бўлакча сар-римсоқ.

Тайёрланиши:

Ҳамма масалликлар йи-рик бўлакланади. Қозон тубига биринчи парраклаб кесилган ёғли гўшт бўлақлари гўшт, картошка ва қолган масал-ликлар солинади. Ҳар бир қат-



лам орасига туз ва зираворларни соласиз.

Энг устига қовоқ бўлақлари солинади. Сўнг, қозон газга кўй-илиб, таги баландланади ва устига бир пиёла сув солиниб, қопқоғи ёпилади.

Суви қайнагач, олов пастла-ниб, бир соат давомида дим-лаб пиширилади. 30 дақиқадан сўнг қозон қопқоғи очилиб, масаллик қавланади, яъни та-гидаги устига ва димлашда та-гига туширилади ва димлашда давом эттирилади.

Бу таомга таъбингизга қа-раб гўшт солишингиз мумкин. Ёқимли иштаҳа!

OILA
DAVRASIDA
Mustahkam oila — yurt tayanchi
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
тахририяти» масъулияти
чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1037
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 646 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00



123456